

ЭРНАЗАРОВ Одиложон

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Диншунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO кафедраси
катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ЯХУДИЙЛИК, ХРИСТИАНЛИК ВА ИСЛОМ ДИНЛАРИНИНГ СЕКУЛЯРИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИГА МУНОСАБАТЛАРИ

ОТНОШЕНИЕ ИУДАИЗМА, ХРИСТИАНСТВА И ИСЛАМА К ПРОЦЕССУ СЕКУЛЯРИЗАЦИИ

THE RELATIONSHIP OF JUDAISM, CHRISTIANITY, AND ISLAM TO THE PROCESS OF SECULARIZATION

Аннотация. “Секуляризация” атамаси Европа тил оилаларига мансуб халқлар тилида “Вестфалия сулҳи” натижасида истеъмолда бўлиб келмоқда. Секуляризация одатда, маълум бир мамлакат ҳукумати ҳамда ундаги диний институтлар ўртасидаги муносабатни тасвирлаш учун ишлатилади. Секуляризация жараёнининг келиб чиқиш сабаблари ва жамият ҳаётига кўрсатган ўзига хос таъсири яҳудий, христиан ва мусулмон жамиятларини четлаб ўтмади. Бунинг натижасида, мазкур уч динга эътиқод қилувчилар орасида динларини янги шарт-шароитлар билан уйғунлаштириш; унинг дастлабки пайдо бўлган муддатдаги ҳолатини сақлаб қолиш тарафдорлари ҳамда дунёвий тамойиллар асосида ҳаёт кечиришни устун кўрувчилар тоифаси шаклланди.

Таянч сўзлар: секуляризация, Вестфалия сулҳи, десакрализация, кошер, “ўрта йўл тарафдорлари”.

Аннотация. Термин «секуляризация» продолжает употребляется в языке народов, принадлежащих к европейским языковым семьям, в результате «Вестфальского мира». Секуляризация обычно используется для описания отношений между правительством конкретной страны и религиозными институтами в ней. Процесс секуляризации и его специфическое влияние на общественную жизнь не обошли стороной

еврейскую, христианскую и мусульманскую общины. В результате среди верующих этих трех религий образовались следующие группы: те, кто выступал за гармонизацию своих религий с новыми условиями; сторонники сохранения своего изначального состояния и те, кто предпочитает жить по светским принципам.

Ключевые слова: секуляризация, Вестфальского мира, десакрализация, кошер, “традиционалисты”.

Abstract. The term “secularization” is used in the language of the peoples of the European language families as a result of the “Treaty of Westphalia”. Secularization usually describes the relationship between the government of a particular country and the religious institutions within it. The process of secularization and its specific impact on public life did not bypass Jewish, Christian, and Muslim communities. As a result, the following groups were formed among the believers of these three religions: those who advocated the harmonization of their religions with the new conditions; advocates of preserving its original state of origin, and those who prefer to live according to secular principles.

Keywords: secularization, Treaty of Westphalia, desacralization, kashrut, «traditionalists».

КИРИШ

“Секуляризация” атамасининг муомалага кириши тарихи бир неча аср аввалги давр билан боғлиқ бўлса-да, хануз унинг мазмуни, моҳияти, кўлами, самараси ва оқибатлари каби масалалар сиёсий ва диний илмлар доирасида муҳокама қилинадиган юқори қизиқиш остидаги мавзу бўлиб қолмоқда.

“Секуляризация” мавзуси бўйича баҳс олиб борган тадқиқотчилар ҳулосасига кўра, мазкур атама Европа тил оилаларига мансуб халқлар тилида 1648 йили имзоланган “Вестфалия сулҳи”¹ натижасида истеъмолда бўлиб

¹ Вестфал сулҳи – Оснабрюк (протестантлик давлат дини саналган Швеция ҳудуди) ва Мюнстер (католик оқими расмий давлат дини ҳисобланган Франция ҳудуди)да 1648 йил 15 май ҳамда 24 октябрь кунлари Испания, Франция, Швеция, Недерландия ва уларнинг иттифокчилари (христианлик динининг католик ва протестантлик окимига мансуб аҳоли истиқомат қилувчи князлик) ўртасида имзоланган тинчлик келишуви. Вестфал сулҳи якуналарига кўра Швеция Болтиқбўйи минтақасининг ғарбий қисмига эғалик қилди. Франция Эльзасни ўз ҳудудига қўшиб олди. Недерландия эса мустақил давлат сифатида эътироф этилди. Бундан

келмоқда. Ўша даврда “бу атама монастир мулкларини мусодара қилиш ҳисобига ғолибларнинг манфаатларини қондириш имкониятини билдирган” [9 : 28].

Луғавий “ёш”, “давр” маъносини англатувчи латинча сўз “saeculim”дан олинган “секуляризация” атамаси одатда, маълум бир мамлакат ҳукумати ҳамда ундаги диний институтлар ўртасидаги муносабатни тасвирлаш учун ишлатилади. Баъзи социологлар наздида эса “секуляризация” деганда, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ турли жараёнларда дин таъсирининг йўқолиши ҳамда охиратга қаратилган ёки ҳаёт кечиришнинг диний фаолият шакли ўрнини моддий мақсад ва ниятларни амалга ошириш бирламчи ўрин тутувчи турмуш тарзининг эгаллаши тушунилади [2 : 48].

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонамизнинг машҳур социологларидан бири Малколм Ҳамилтон (Malcolm Hamilton) “Дин социологияси” асарида “секуляризация” тушунчаси бу мавзу бўйича илмий иш олиб борган тадқиқотчилар томонидан, асосан, куйидаги олти маънода қўлланилганини таъкидлайди: “Биринчидан, секуляризация ижтимоий ҳаётда диннинг ва у билан боғлиқ тушунчалар, таълимотлар, қадриятлар, рамзлар ва ташкилотларнинг аҳамияти ҳамда нуфузини сусайишини билдиради. Иккинчидан, у диний ва дунёвий масалаларни ўртасини мувофиқлаштиришга бўлган ҳаракатдир. Учинчидан, у дин инсоннинг шахсий иши эканлиги ҳамда диний эътиқод ва ҳис-туйғулар билан бошқаларга таъсир кўрсатишга уриниш кишиларнинг виждон эркинлигига хилофлигини ифодалайди. Тўртинчидан, бу тушунча авваллари мутаассиб диндорлар томонидан “улар ҳақида савол бериш шаккоклик”, деб баҳоланган борлиқ, олам, Ер шари ва инсон яралиши бўйича илмий янгиликларни кашф

этилишини англатади. Бешинчидан, у дунёнинг десакрализациялаш, яъни, ижтимоий-маданий ва иқтисодий-сиёсий муносабатларга уларни диний аҳамият касб этиши нуқтаи назардан эмас, балки, уларга дунёвий тутган ўрни жиҳатидан ёндашишдир. Масалан, никоҳ Ер юзидаги барча динларда муқаддас мақомга эга саналади, лекин, дунёвий жиҳатдан эса у икки томоннинг розилиги билан тузилган шартнома асосида эркак ва аёлни ўзаро бирга яшашларини таъминловчи қонунчилик тизимидир. Олтинчидан, секуляризация анъанавий қадриятларга нисбатан эътиқоддан узоқлашиш шаклида диний тартибдаги ҳаётдан дунёвий турмуш тарзига ўтишнинг намоён бўлишидир” [3 : 187].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, секуляризация жараёнининг келиб чиқиш сабаблари ва жамият ҳаётига кўрсатган ўзига хос таъсири ҳақида сўз кетганда, аввало, христианлик асосида шаклланган Ғарб маданияти эсга олинса-да [6, 7, 9, 11], аслида, бу ижтимоий-маданий ҳодиса дунёдаги барча жамиятлар, жумладан, христианлар билан бир қаторда самовий динлар вакиллари сифатида эътироф этиладиган яҳудий ва мусулмон жамиятини ҳам четлаб ўтмади. Биргина мусулмон жамияти мисолида бу мавзуга тўхталиб ўтилганда, унинг мусулмон дунёсига ижобий ва салбий таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг ижобий томони шунда эдики, секуляризация жараёни натижасида мусулмонлар диний мутаассиблик, саводсизлик ҳамда диний кўрсатмаларнинг ҳар замон ва маконга мувофиқ келувчи хусусиятини татбиқ этишдаги сусткашлик вазиятидан илмий-маданий жабҳадаги тараққиётга юз тутдилар. Унинг салбий томони эса бу жараён оқибатида мусулмонлар турли қийинчиликлар билан тўқнаш келдилар. Мусулмон дунёсидаги мазкур ўзгаришлар борасида тадқиқот олиб борган Ғарб шарқшуносларининг фикрига кўра, “ғарбий Европа жамиятида уч юз йил давомида аста-секин, босқичма-босқич ривожланиб, сўнгра, жамиятнинг барча қатламлари ичига етиб борган дунёвий, демократик институтлар каби ижтимоий структуранинг мусулмон жамиятига кириб келиши баъзи раҳбарлар

ташқари, мазкур келишувнинг самараси ўларок, католик ва протестантлик оқими тарафдорлари ҳуқуқларида тенгликка эришилди ҳамда ундаги бандлар бир неча аср давомида Ғарбий Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг олиб боришда халқаро норма бўлиб хизмат қилди.

томонидан тезлаштирилиб юборилиши сабабли яқиндагина мустамлакачилик машаққатларидан халос бўлган мусулмонларни янги дунё шарт-шароитларига мослашишлари оғир кечди. Масалан, Туркиянинг биринчи президенти Мустафо Камол Ататурк ўз мамлакатини дунёвий давлат, деб эълон қилгач, турк жамиятини ҳам шундай шаклга олиб келишнинг ягона йўли сифатида барча мадрасаларни беркитиш, ахлоқий меъёрлар бирламчи ўрин тутувчи тасаввуф мактабларини “ер остига кўмиш” ҳамда барча эркак ва аёлларнинг ғарбона либослар кийиб юришга мажбур қилиш, деб ҳисоблади.

Бундай ҳолатни 1935 йил Эронда юз берган қонли воқеалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўшанда Эрон ҳукмдори Шох Ризо Паҳлавий ўз ҳарбий кўшинини мамлакат кўчалари бўйлаб саф тортириб, аёлларнинг устларидаги рўмолларини ечтиришга буйруқ берган. Бундан ташқари, ўша йили Эрондаги муқаддас зиёратгоҳлардан бирига йиғилган намойишчиларни ҳукумат аскарлари томонидан ўққа тутилиши кўплаб инсонларнинг ўлимига олиб келди. Аслида эса улар ғарбона кийиниш тарзига мажбурий ўтказишга қарши тинч намойишга чиққандилар. Демак, баъзи мусулмон жамиятларида секуляризация жараёнини жадаллаштириб юборилиши аҳолига бу ҳодисанинг “мағзини чақиш” имконини бермади, аксинча, уларнинг қаршисига “секуляризация – диний эркинликми ёки диний эътиқодга нисбатан қаратилган тажовузми?”, деган саволни кўндаланг қўйди” [1 : 27].

Дарҳақиқат, юқоридаги аҳолисанинг аксариятини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил қилган мамлакатларда юз берганга ўхшаш ҳолат, аслида, кейинчалик, бутун мусулмон оламини қамраб олди. Бунинг натижасида, диний кўрсатмаларга мувофиқ яшашни мутаассибона ёқлайдиган ҳамда ҳаёт тарзини дунёвий тамойиллар асосида ташкил қилган мусулмонлар бир-бирларини “ислом дини доирасидан чиққанлик” масаласи бўйича айблашлари ортидан кўнгилсиз вазиятларни бирин-кетин содир бўлиши мусулмон олимларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Бу борада мусулмон уламолар олдидаги бош

вазифа “секуляризация” тушунчасининг ислом дунёсида юксак мавқега эга араб тилидаги маъносини ифодаловчи сўзни аниқлаш бўлди. Кўплаб уламолар “секуляризация жараёни” дин ва давлат ўртасининг ажратилиши, деб ҳисоблангани учун унинг араб тилидаги эквиваленти сифатида, нисбий равишда, “материалист”, “атеист” маъносини билдирувчи “дахрийя” ва “дунёвийликка хос” деган маънони англатувчи “алманийя” сўзлари ишлатила бошланди” [2 : 49].

Ўз навбатида, аксарият мусулмон уламолар томонидан умумий шаклда, секуляризация жараёнига нисбатан салбий муносабат билдирилган бўлишига қарамай, унинг моҳиятини ёритишда мазкур ҳодисанининг ижобий жиҳатлари ҳам мавжудлигини эътироф этган ҳолда, ҳолис ёндашилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Биринчи жиҳат (секуляризациянинг зарарли таъсири) бўйича ўзига хос тадқиқот олиб борган мусулмон уламолардан бири Юсуф Қаразовийдир. Бу ҳақида, у ўзининг “Умматга етаётган зарарли ташқи таъсирларнинг ечими” (“ал-Хулул ал-муставрадах ва кайфа жанат алаа умматина”) номли асарида қуйидагича фикр билдиради: “Секуляризм христиан жамиятида хайрихоҳлик билан қабул қилинган бўлиши мумкин. Лекин, у ҳеч қачон мусулмон жамиятида оммавий равишда хуш қарши олинмади. Бу христианлик дини ислом динидаги каби инсон ҳаётининг барча жабҳаларига тегишли муаммоларга ечим топиб берадиган тартибланган диний қоидалар тизими – шариатга эга эмаслиги билан боғлиқ” [2 : 52].

Шу билан бирга, Қаразовий мазкур тўхтамга айнан христианлик динининг муқаддас манбаи Инжилнинг баъзи оятлари билан танишиш воситасида келганини таъкидлаб ўтади. Қаразовий эътибор қаратган оятда келишича, ҳаворийлар Исо пайғамбар (а.с.) ҳузурига келиб, ундан “Қайсар (Рим императори)га солиқ тўлаш динга мувофиқми ёки йўқ”, деб сўрашганида, уларнинг бирининг кўлидаги динор тангага туширилган расмни кўрсатиб: “Бу сурат ва ёзув кимники?” – деб сўради. –Қайсарники, -дедилар. –Ундай бўлса, Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини

Худого беринглар, - деди Исо пайгамбар” [8]. Қаразовий ушбу оятдан шундай хулосага келадики, христианлар учун давлат ва дин масалалари диний кўрсатма асосида ажратиб қўйилгани уларнинг секуляризация жараёнига мослашиш шароитини мусулмонлардан кўра енгил кечиришларига сабаб бўлди, чунки, мусулмонлар ҳаётлари давомида туғиладиган ҳар қандай масалани барча замон ва маконга яроқли диний қонунчилик (шариат)га мувофиқ ҳал қилишга буюрилгандирлар. Мусулмонлар исломий қонун-қоидалар ўрнига ўзгача тамойил ва нормаларга биноан ўз ҳаётларини ташкил этишлари эса ислом динининг моҳиятига нисбатан зид ҳолатдир [2 : 53].

Биз ўрганаётган мавзу – секуляризация жараёнига нисбатан ўзига хос муносабат билдирган мусулмон олимлардан яна бири Ториқ Рамазон ҳисобланади. Ториқ Рамазон мазкур масаланинг моҳияти ва ечимиди Юсуф Қаразовийдан фарқ қилади. Ушбу икки мусулмон олимнинг секуляризация жараёнига нисбатан билдирган муносабатларини ўрганган шарқшунос Габриэл Маранси (Gabriele Marranci) фикрига кўра, бу борада икки олим ўртасидаги жузъий фарқ, биринчидан, Ториқ Рамазон Юсуф Қаразовийга қараганда Европа жамиятида кўпроқ ҳаёт кечиргани ва у ерда мусулмонлар тўқнаш келиши мумкин бўлган муаммолардан шунга мос равишда хабардор ҳамда тажрибага эга эканлиги, иккинчидан, у Европа мамлакатларида “динни давлатдан ажралганлиги” тамойилига амал қилиниши кўп бор такрорланса-да, лекин, Европа сиёсатида “диннинг жамиятдаги вазифаси” мавзуси энг қизгин муҳокама остидаги масала бўлиб турганига асосий эътиборни қаратганлиги билан боғлиқ [2 : 54].

Ториқ Рамазон “секуляризация жараёни” ислом динига мутлақо зид тушунча эмаслигини таъкидлаб, қуйидагиларни айтади: “Секуляризация – диний эркинлик тамойилини қўллаб-қувватловчи Европа жамиятининг асосий хусусиятидир. Мусулмонлар эса диний кўрсатмаларни бажаришда ҳаддан ошиш ва сусткашлик қилишдан қайтарилиб, балки, бу борада мўътадил йўлда юришликка буюриладилар. Европа қонунлари

мусулмонларни ўз динларига эътиқод қилиш ва унинг кўрсатмаларини адо этишларидан қайтармайди, аксинча, улар (қонунлар) инсонларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга эканликларни кафолатлаб, унинг амалга ошишини таъминлайди. Ўз навбатида, эркинлик ислом динига ҳам хос бирламчи принципдир. Бу фикр тасдиғини ислом тарихида черков каби мутлоқ ҳокимият асосида фаолият олиб борган бирор бир сиёсий институт бўлмаганлигида кўриш мумкин. Бу жиҳатдан (эркинлик масаласида) секуляр ҳамда исломий қонун-қоидалар ўртасида сезиларли фарқни учратиш мушкул. Шу билан бирга, юқоридаги мулоҳазани секуляризацияга нисбатан хайрихоҳлик ёки динни камситиш, деб эмас, балки, инсониятга қарата “динга мажбур қилиш йўқ, зотан, ҳақ ботилдан ажради...” (2:256), дея хитоб қилган ислом динининг моҳиятини тўғри тушунча ва талкин асосида ўрганишга тарғиб сифатида тушуниш лозим” [2 : 55].

Демак, Юсуф Қаразовий ва Ториқ Рамазоннинг мусулмонлик позициясидан туриб секуляризация жараёнига нисбатан билдирган муносабатларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу борада уларнинг ўртасида сезиларли фарқ кўзга ташланмайди. Икки мусулмон олими ҳам ислом дини инсон турмушининг барча жабҳаларини қамраб олганлигига тамоман ишонадилар ҳамда ҳаётни дунёвий ва диний соҳага ажратишни нотўғри, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уларнинг иккиси ҳам замонавий дунёда мусулмонлар ўз эътиқодларига мувофиқ ҳаёт кечиришлари учун ўрта йўлни белгилаб олишлари зарурлигига алоҳида урғу берадилар. Чунки, уларнинг фикрига кўра, мусулмонлар ўзлари учун мазкур мўътадил йўлни белгилаб олишлари инсониятни дунёдан ажралиб қолиш (мутаассиблик)дан ҳамда бир-бирларига зулм қилиш (экстремизм) дан қайтарадиган, шу билан бирга, моддий неъматлардан фойдаланиб, тананинг ҳузур топишини таъминлаш тирикликдан кўзланган асосий мақсад, деб эътиқод қиладиган тоифалар (атеизм)нинг даъвосини рад этадиган ислом динининг моҳиятини тўғри тушуниш йўлида муҳим аҳамиятга эгадир.

Секуляризация жараёни билан боғлиқ ҳолатни, ўз навбатида, яҳудийлик жамияти ҳам бошдан кечирмоқда. Албатта, бугунги кунда инсоният юзлашаётган бундай ижтимоий-маданий шароит глобализация ҳамда интеграция тамойиллари фақат иқтисодий-сиёсий соҳани эмас, балки, диний-маънавий жабҳаларни ҳам қамраб олганлиги билан боғлиқ. Шу сабабли узоқ асрлик тарихи мобайнида маълум шаклдаги “реформа”ларга гувоҳ бўлган яҳудийлик бизнинг давримизда йирик миқёсда ўзгариб бормоқда. Секуляризация жараёнининг яҳудий жамиятидаги ифодасини мазкур динга эътиқод қилувчилар яҳудийлик динига оид таълимот ва маросимларни замон руҳига мослаштиришга ҳаракат қилаётганларида кўриш мумкин. Шу билан бирга, аксинча, кўплаб замонавий яҳудийлар анъанавий диний тартиб-қоидалар тизими таркибидаги баъзи нормалар (масалан, қадимий овқатланиш тартиб-қоидалари (кошер) бугунги кунга келиб ўз аҳамиятини йўқотган, деб ҳисоблаганлари сабабли уларга амал қилишда ўтмиш аجدодлари сингари эътибор қаратиб ўтирмаптилар [4 : 49].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирда замонавий яҳудий жамиятида диний тушунчаларга нисбатан ортодоксал, анъанавий ва янги (секуляр) қарашдаги аҳоли қатлами шаклланимоқда. Шунинг учун ушбу уч тоифанинг яҳудийлик дини таълимоти, маросимчилиги ва қадриятларига бўлган муносабатида ҳам муайян фарқларни учратиш мумкин. Мисол учун, ортодоксал яҳудийлар “яҳудийлик – фақат яҳудий онадан туғилиб, кўпайган миллат динидир”, деган ўз динларининг анъанавий таърифини кўллаб-қувватлаб, бугунги кунда баъзи яҳудийлар бошқа дин вакиллари билан турмуш қураётганларини танқид қиладилар.

Бугунги кунда диний ҳаёт шаклидан кўра дунёвий турмуш тарзи тамойиллари асосида яшашни устун кўрувчи яҳудийларнинг ўз динларининг таълимоти ҳамда тушунчаларига нисбатан қарашларида ҳам ўзига хос жиҳатларни кузатиш мумкин. Масалан, кўплаб секуляр (либерал) яҳудийлар “ўлимдан сўнг итоатсиз инсонларни илоҳий жазога тортилиши” ҳақидаги таълимотни инкор этадилар. Бундан ташқари, улар “яҳудийлик – Ер юзидаги

вазиятни ислоҳ қилиш мақсадида нозил бўлган дин”, деб ишонсалар-да, “Худо инсоннинг ҳаёти давомида тўқнаш келадиган муаммоларни ҳал этиши учун таъсир кўрсатиши” тўғрисидаги яҳудийлик дини ақидасини рад қиладилар [4 : 115].

Диний тушунчаларга нисбатан ўзига хос қарашга эга учинчи тоифа эса бу борада юқоридаги икки гуруҳнинг тутган услубларидан кўра ўз ёндашувларини афзал ва мўътадил, деб қарайдилар. Шу боисдан ҳам яҳудий жамиятини ўрганаётган муаллифлар асарларида улар “ўрта йўл тарафдорлари” ёки “традиционистлар” каби номлар билан аталмоқдалар. Мазкур қарашдаги яҳудийларнинг асосий хусусияти диний маросимлар (айниқса, дам олиш кuni ва овқатланиш тартиби)га катта эътибор қаратишлари ҳамда ортодоксал яҳудийлар сингари эътиқодий масалаларга кескин муносабат билдирмасликларида намоён бўлади. Уларнинг фикрига кўра, Худо инсонлардан муайян белгиланган тақик-буйруқларга (613 буйруқ) риоя этишнинг эмас, балки, ўзаро эзгулик асосида ҳамкорлик қилишларини кутади [5 : 61].

Демак, глобаллашув шароитида секуляризация жараёни яҳудийлик дини тарафдорлари турмуш тарзи ва дунёқарашида маълум ўзгаришлар ясади. Бу ҳолат яҳудийлар томонидан диний эътиқод ва тушунчаларга нисбатан турли хил муносабат билдирилишида кўзга ташланмоқда. Бундай вазият салбий оқибатларга, яъни, диний тушунчаларнинг талқин этишдаги (ортодоксал ва секуляр) қарама-қаршиликлар яҳудий жамиятида муҳим ўрин тутувчи диннинг роли пасайиб кетишига олиб бормаслиги учун яҳудийликнинг “мўътадил йўли” жамият ҳаётида тарғиб қилинмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “секуляризация жараёни” самовий динлар тарафдорларининг диний дунёқарашига ўзига хос таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида, умумий шаклда мазкур уч динга эътиқод қилувчилар орасида динларини янги шарт-шароитлар билан уйғунлаштириш;

унинг дастлабки пайдо бўлган муддатдаги ҳолатини сақлаб қолиш тарафдорлари ҳамда ўзларини ушбу динлардан бирига мансуб, деб ҳисоблаш билан бирга дунёвий тамойиллар асосида ҳаёт кечиришни устун кўрувчилар тоифаси шаклланди. Алоҳида шаклда эса мусулмонлар ислом дини инсон турмушининг барча жабҳаларини қамраб олган, деб ҳисоблаган ҳолда замонавий дунёда улар ўз эътиқодларига мувофиқ ҳаёт кечиришлари учун ўрта йўлни белгилаб олишлари зарурлигига алоҳида урғу берадилар. Замонавий яхудий жамиятида диний тушунчаларга нисбатан ортодоксал, анъанавий ва янгича (секуляр) қарашдаги аҳоли қатлами шаклланмоқда. Глобаллашув шароитида секуляризация жараёни яхудийлик дини тарафдорлари турмуш тарзи ва дунёқарашида маълум ўзгаришлар ясади. Бу ҳолат яхудийлар томонидан диний эътиқод ва тушунчаларга нисбатан турли хил муносабат билдирилишида кўзга ташланмоқда. Христианлик доирасида шаклланган Ғарб тамаддунига секуляризация жараёнини таъсири диний индивидуализмни ривожланиши ҳамда янги диний ҳаракатларни тарқалишида намоён бўлди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Armstrong K. The role of the religion in the new millennium. – Singapore, 2007. – 27 p.
2. Gabriele Marranci. Bryan S. Turner. Muslim Societies and the Challenge of Secularization: An Interdisciplinary Approach. – N.Y.: Springer, 2010. – 274 p.
3. Hamilton Malcolm. The sociology of religion: theoretical and comparative perspectives. – N.Y.: Routledge, 2001. – 319 p.
4. Kenneth Atkinson. Judaism. – USA.: Chelsea House Publishers., 2004. – 165 p.
5. Yaacob Yadgar. Secularism and Religion in Jewish-Israeli Politics: Traditionists and Modernity. – N.Y., 2011. – 300 p.
6. Богданова О.А. Процесс секуляризации и кризис личности в западной культуре XX века: Монография / Рост. гос. экон. унив. – Ростов-н/Д., 2001. – 157 с.
7. Гидденс Э. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж. Н. Маматов ва Ж.Бегматов. – Т.: Шарқ, 2002. – 847 б.
8. Инжил: Тавротдан “Ибтидо” ва Забур / немис ва рус тилларидан тарж.: Валий Зуннун, Абасов И., Гулқаров Ю. – Туркия.: Муқаддас Китобни таржима қилиш институти, 1995. – 909 б.
9. Кимелев Ю.А. Философия религии: систематический очерк. – М., 1998. – 248 с.
10. Меликўзиев Ж. Секуляризация: назариялар ва концепциялар // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти, 2012. 3-сон.
11. Нетрадиционные религии в посткоммунистической России. Материалы «Круглого стола» // Вопросы философии. № 12, 1996.